

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРОВ ХУМОЮН ТОЛИБЖОН ЎҒЛИ**

**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ**  
**ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ АСОСИДА ОШИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences**

**Қодиров Хумоюн Толибжон ўғли**

Тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини халқаро  
маркетинг стратегиялари асосида ошириш ..... 3

**Кодиров Хумоюн Толибжон угли**

Повышение экспортного потенциала швейно-трикотажных  
предприятий на основе международных маркетинговых стратегий ..... 29

**Qodirov Khumoyun Tolibjon ugli**

Increasing the export potential of garment and knitwear enterprises  
based on international marketing strategies ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРОВ ХУМОЮН ТОЛИБЖОН ЎҒЛИ**

**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ**  
**ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ АСОСИДА ОШИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt747 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Солиев Ахмаджон**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Икрамов Мурат Акрамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Холмаматов Диёр Хакбердиевич**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tseu@tseu.uz](mailto:tseu@tseu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tseu@tseu.uz](mailto:tseu@tseu.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги рақобатнинг кучайиши ва глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви тўқимачилик маҳсулотлари бозорига бевосита таъсир кўрсатиб, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт салоҳиятини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишни талаб этмоқда. «2018 йилда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларининг жаҳон экспорти ҳажми 823 млрд. АҚШ доллар бўлиб, унда етакчи ўринларни Хитой, Бангладеш, Вьетнам, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар эгаллаган»<sup>1</sup>. Тикув-трикотаж маҳсулотлари жаҳон савдосида мазкур давлатлар салмоқли улушга эга бўлса-да, ривожланаётган мамлакатларда ҳам ушбу маҳсулотлар экспортида барқарор ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Жаҳонда тикув-трикотаж маҳсулотлари бозорида етакчи бўлган мамлакатларда тармоқнинг глобал қиймат занжиридаги фаолиятини таъминлаш, халқаро бозор тадқиқотларини самарали ташкил этиш, тўқимачилик корхоналари учун халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, электрон савдо тизимини халқаро даражада йўлга қўйиш, миллий брендларнинг жаҳондаги нуфузини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Шунингдек, жаҳоннинг тикув-трикотаж кийимлари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялари глобал бозорда рақобат устунлигини таъминлашнинг асосий стратегик йўналиши сифатида экспорт амалиётида рақамли технологиялардан фойдаланиш, онлайн сотиш тизимларини жорий этиш ва инновацион маркетингга асосланган юқори истеъмол қийматли тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали экспортни «рақобат устунлиги», «кластерлаштириш», «диверсификация», «сифат менежменти», «онлайн маркетинг» стратегиялари асосида ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон дунёда пахта толаси ишлаб чиқаришда олтинчи, экспорти бўйича эса ўн биринчи ўринда бўлишига қарамай, тайёр кийимлар экспортидаги улуши атиги 2 %ни ташкил этади. Корхоналар амалиётида экспорт маркетингининг суствлиги, жаҳон бозорларида маркетинг тадқиқотлари ўтказилмаслиги натижасида экспорт талабларига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича стратегик режаларни амалга ошириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Шу билан бирга, корхоналар экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг илмий усуллари замонавий халқаро маркетинг стратегиялари асосида ишлаб чиқилмаганлиги ҳам корхоналарнинг жаҳон рақобатли бозоридаги фаолиятини чекламоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «принципал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш ва шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг

---

<sup>1</sup> World Trade Statistical Review 2019. [https://www.wto.org/english/res\\_e/statis\\_e/wts2019\\_e/wts19\\_toc\\_](https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2019_e/wts19_toc_)

рақобатбардошлигини таъминлаш»<sup>2</sup> устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш, юқори истеъмол қийматли тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт салоҳиятини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сонли «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта химояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сонли «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро савдо, жумладан, экспортнинг классик назарияси хорижий мамлакатлар олимлари А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Кейнс, С.Милль, Б.Олин, Э.Хекшер, П.Самуэльсон, В.Леонтьев, А.Маршалл, Й.Шумпетер, М.Портер ва бошқалар томонидан яратилган<sup>3</sup>. Тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда халқаро маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ва унинг глобаллашув жараёнидаги

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соц.экиз, 1962. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Прогресс, 1948. Самуэльсон П. Экономика. Т. «Алгон» ВНИИСИ 1992. Рикардо Д. «Начало политической экономии и налогового обложения» (пер. с англ.) – М.: Издательство «Эконом-Ключ», 1993. Стюарт Милль. Основы политической экономии. /Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1980-1981. Хекшер Э. и Олин Б. Влияние внешней торговли на распределение дохода. – М.: ТЕИС, 2006. Леонтьев В. Внутреннее производство и внешняя торговля: новое исследование позиций американского капитала – М.: «ТЕИС», 2006. Портер М. Международная конкуренция – М.: Международные отношения, 1993.

истикболлари А.Меҳра, Ч.Саксена, П.Корнелиус, С.Чакрабартти, С.Чокчаиниранд сингари олимларнинг<sup>4</sup> тадқиқотларида ўрганилган.

МДХ олимларидан Т.И.Фрадина, Г.Ю.Волкова, Н.В.Ягодина ва Е.В.Березина<sup>5</sup> тикув-трикотаж саноати корхоналари рақобатбардошлиги, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришнинг методологик ва услубий муаммоларини ҳал этиш, кластерларни шакллантириш муаммоларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Шунингдек, А.Н.Невская, А.А.Фролов, М.С.Сычев, К.С.Куканина ва Н.В.Додельцева<sup>6</sup> сингари олимларнинг илмий ишлари саноат корхонаси экспорт салоҳиятини шакллантирувчи муҳит ва уларнинг ресурслар таъминоти муаммолари ечимига қаратилган.

Мамлакатимизда С.С.Ғуломов, Н.Х.Жумаев, А.Солиев, А.Ш.Бекмуродов, Н.М.Махмудов, Н.Қ.Йўлдошев, А.А.Фаттахов, М.А.Икромов, М.С.Қосимова, Ш.Дж.Эргашходжаева, М.А.Махкамова ва бошқа<sup>7</sup> олимлар томонидан экспорт маркетинг стратегияларининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини халқаро маркетинг стратегиялари асосида ошириш масалалари М.Р.Болтабаев, З.Д.Адилова,

---

<sup>4</sup> Anjana Mehra. Globalization and export prospects of textile industry in Punjab, for the award of degree of Doctor of philosophy (PhD.), India-2013. Chetan Saxena, Export potential and prospects of Indian garment industry in the context of WTO, for the award of degree of Doctor of philosophy (PhD.), Mawana-2009. Paul Cornelius, A study of Indian textile exports with special reference to Eco-Friendly aspects, for the award of degree of Doctor of philosophy (PhD.), India-2006. Subhajit Chakrabarty. Textile and Clothing Exports from India – An Analysis of Select Issues, for the award of degree of Doctor of philosophy (PhD.), New Delhi-2014. Sarit Chokchainirand. Understanding the Differential Drivers of Export Performance in the Thai Clothing and Textile Sectors, for the degree of Doctor of Business Administration. Manchester Business School-2013.

<sup>5</sup> Фрадина Т.И. Методология и методы управления конкурентоспособностью предприятий легкой промышленности в условия глобализации экономики: автореф. дисс. на соиск. учёной степени док. экон. наук. – Санкт-Петербург, 2010. Волкова Г.Ю. Управление стратегическим развитием легкой промышленности России (теория и практика): автореф. дисс. на соиск. учёной степени док. экон. наук, Москва – 2012. Ягодина Н.В. Формирование межотраслевых кластеров в легкой промышленности: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Омск, 2010. Березина Е.В. Формирование кластеров легкой промышленности: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Москва, 2011.

<sup>6</sup> Невская Н.А. Формирование и реализация экспортного потенциала промышленных предприятий (на примере Хабаровская края): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Хабаровск, 2005. Фролов А.А. Стратегия совершенствования экспортного потенциала Российского газового комплекса: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Москва, 2004. Сычев М.С. Развитие методического обеспечения анализа и оценки экспортного потенциала предприятия: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Йошкар-Ола, 2012. Куканина К.С. Оценка экспортного потенциала промышленных предприятий развивающихся стран (на примере демократической республики Конго): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Иванова, 2014. Додельцева Н.В. Разработка методического обеспечения оценки экспортных возможностей текстильных предприятий Ивановской области: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Иванова, 2008.

<sup>7</sup> Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт: Монография / академик С.С.Ғулямов тахрири остида – Т.: Консаудитинфори-нашр, 2006. – 439 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс.– Т., 2008. Солиев А. «Текстиль кластери инновацион моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш (2015-2017 йй.)» мавзусидаги давлат илмий гранти тадқиқотлари ҳисоботи, 2017 йил; Бекмуродов А.Ш., Янг Сонг Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. – Т.: Iqtisodiyot, 2017. – 158 б. Фаттахов А.А. Улгуржи савдода маркетинг стратегияси ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 250 б. Эргашходжаева Ш.Дж. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2010. – 335 б.

Х.И.Холиқова, У.А.Расулов, Г.А.Кариева, Бе Янг Сонг, С.Э.Аъзам, Д.М.Мирзахалилова, У.И.Мараимова, Р.Н.Рахмонов, Г.Э.Захидов, З.А.Хакимов, Л.Ў.Мингашев<sup>8</sup> томонидан диссертация тадқиқоти доирасида ўрганилган.

Мазкур тадқиқотчилар илмий натижалари методологик жиҳатдан қаралса, шундай хулоса қилиш мумкинки, улар корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш муаммоларини ялпи (ассортимент сегментлари хусусиятларини эътиборга олмасдан) ҳал этишга кўпроқ макро (соҳа, тармоқ) даражасида ёндашганлар. Аммо юқоридаги муаллифлар, пахта хомашёсини етиштиришдан бошлаб, токи уни тайёр маҳсулот шаклида экспорт қилишгача бўлган «қўшимча қиймат яратилиш жараёнидаги ягона технологик занжир»нинг бош бўғини бўлган тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ривожлантириш муаммолари ечимини топишга эътибор қаратмаганлар. Шу билан бирга, энг муҳими «халқаро бозорда мамлакатлар эмас, фирмалар рақобатлашмоқда, улар қандай қилиб рақобатбардошлик устуворлигини яратмоқда ва сақлаб турибди»<sup>9</sup> деган замонавий назария Ўзбекистоннинг ҳозирги экспорт амалиёти доирасидаги методологик ёндашувимизнинг асоси бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Текстиль кластери» инновацион моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш» мавзусидаги А-2-70 (2015-2017 йй.) рақамли давлат илмий тадқиқот гранти доирасида бажарилган.

---

<sup>8</sup> Болтабаев М. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: икт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2005. – 342 б.; Адилова З. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегиялари: икт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2008. Халиқова И. Региональные особенности рационального использования экспортного потенциала и развитие внешнеэкономической деятельности Узбекистана: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Т., 2003. Расулов У. Предпосылки повышения эффективности экспортной деятельности текстильной отрасли в процессе глобализации мировой экономики (на основе сравнительного анализа текстильных отраслей Республики Узбекистан, Бангладеш и Республики Корея): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Т., 2005. Кариева Г. Международный маркетинг компании в развитии экспорта (на примере текстильной промышленности Республики Узбекистан): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Т., 2008. Бе Янг Сонг. Управление развитием текстильной промышленности на основе стратегии формирования кластеров (на материалах Республики Корея и Республики Узбекистан): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Т., 2008. Аъзам С. Хитой экспорт сиёсати стратегиясининг замонавий тамойиллари ва ўзига хос жиҳатлари: икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2010. Мирзахалилова Д. Повышение конкурентоспособности текстильной промышленности Узбекистана на основе кластеризации: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук. – Т., 2012. Мараимова У. Кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда инновацион маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари (Анджон вилояти мисолида). икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2012. Рахмонов Р. Фарғона минтақаси экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва уни такомиллаштириш йўллари: икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2012. Захидов Ғ. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги: икт. фан. бўй. фал. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2017. Хакимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2017. Мингашов Л.Ў. Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари: икт. фан. бўй. фал. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2018. – 12 б.

<sup>9</sup> Портер Е.М. Конкуренции. Исправленное издание. – М.: Изд. дом «Вильямс», 2005. – 257 с.

**Тадқиқотнинг мақсади** тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини халқаро маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўқимачилик корхоналари экспорт фаолиятининг назарий асослари моҳиятини шарҳлаб бериш;

тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда яратилган бизнес муҳитини таҳлил қилиш;

тўқимачилик маҳсулотлари экспорти географиясини тадқиқ қилиш, янги хорижий ва логистик харажатларни камайтиришни асослаш;

тикув-трикотаж корхоналарининг малакали мутахассислар ва замонавий технологиялар билан таъминланганлигини ўрганиш ва уларнинг экспорт салоҳиятини белгиловчи омилларни танлаш усулини асослаш;

тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ривожлантириш модели ва уни амалиётда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш;

тикув-трикотаж корхоналарида халқаро сифат менежментини жорий этиш, ЕОИИ «Божхона Иттифоқи» ва Ўзбекистоннинг енгил саноат маҳсулотлари экспорти техник регламентлари ўртасидаги фарқларни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

пахта-тўқимачилик кластерлари шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш ва уларнинг кичик бизнес субъектларига нисбатан сезилаётган монополистик фаолиятларининг олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорт жараёнларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистондаги тикув-трикотаж корхоналарининг ишлаб чиқариш ва экспорт маркетинги фаолиятлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, тикув-трикотаж корхоналари халқаро маркетинг фаолияти ва экспорт салоҳиятини ошириш жараёнларидаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тизимли ва статистик таҳлил, маркетингнинг бенчмаркинг, кабинет ва дала тадқиқот усуллари, эконометрик, «Дельфи» – эксперт баҳолаш, монографик кузатув ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахта-тўқимачилик кластерлари амалиётидаги монополистик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудлардаги кичик ишлаб чиқарувчиларга ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида кластерлар ихтиёридаги дастгоҳлардан фойдаланиш, ип ва матоларини имтиёзли асосда бўяб бериш ҳамда қўшма экспортни ташкил этиш асосланган;

Евроосиё иқтисодий иттифоқи «Божхона Иттифоқи»нинг (ТРТС.007/2011) ва Ўзбекистоннинг (UzTR 148-008:2016) «Енгил саноат маҳсулотлари хавфсизлиги умумий техник регламент»лари ўртасида аниқланган

кўрсаткичлардаги тафовутларнинг техник регламенти (ТР)га қўшимча киритиш таклифи асосланган;

географик ва инфратузилма жиҳатдан қулай экспорт бозорларига мослашиш ҳамда улар орқали янги бозорларни ўзлаштириш воситасида тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти логистик харажатларини камайтириш асосланган;

экспорт салоҳияти кўрсаткичларини баҳолашнинг эксперт усулини модификациялаган ҳолда Андижон вилояти тикув-трикотаж корхоналари экспорт фаолиятининг 2025 йилгача эконометрик прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта-тўқимачилик кластерлари амалиётида монополистик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудлардаги кичик ишлаб чиқарувчиларга ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида кластерлар ихтиёридаги дастгоҳлардан фойдаланиш, ип ва матоларни имтиёзли асосда бўяб бериш ҳамда қўшма экспорт амалиётини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Андижон вилояти Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармасига таклиф этилган;

«O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси таркибидаги «Мах Textile» МЧЖ ва «Tekstil plys» ХКлар экспорт маҳсулотлари кўрсаткичларидаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи «Божхона Иттифоқи»нинг (ТРТС.007/2011) ва Ўзбекистоннинг (UzTR 148-008:2016) «Енгил саноат маҳсулотлари хавфсизлиги умумий техник регламент»ларига нисбатан аниқланган тафовутлар бўйича ТРга қўшимча киритиш таклифи Андижон синов ва сертификатлаштириш марказига тавсия этилган;

«Nil-Granit» МЧЖнинг географик ва инфратузилма жиҳатдан қулай экспорт бозорларига мослашиш ҳамда улар орқали янги бозорларни ўзлаштириш воситасида тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти логистик харажатларини камайтириш таклиф этилган;

«Inwestteks» МЧЖ экспорт салоҳияти кўрсаткичларини баҳолашнинг модификацияланган эксперт усули Андижон вилояти тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятининг 2025 йилгача эконометрик прогноз кўрсаткичларини аниқлаш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг расмий нашриётлар – таниқли хорижий ва Ўзбекистон олимлари тадқиқотлари натижалари бўйича чоп этилган манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг статистик маълумотлари ва корхоналар бухгалтерия ҳамда статистик ҳисоботларидан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тўқимачилик саноати, жумладан, тикув-трикотаж корхоналарининг экспорт салоҳиятини халқаро савдо, халқаро маркетинг ва кластер назариялари асосида баҳолаш ва ривожлантиришнинг такомиллаштирилган усул ва механизмларини ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар, шаклланаётган пахта-тўқимачилик кластерлари экспорт фаолиятини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегиясидан фойдаланиш ва экспорт жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, корхоналарнинг жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозорида рақобатбардошлигини ҳамда ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имкониятлар яратади. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан Олий ўқув юртлиги талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта-тўқимачилик кластерлари амалиётида монополистик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудлардаги кичик ишлаб чиқарувчиларга ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида кластерлар ихтиёридаги дастгоҳлардан фойдаланиш, ип ва матоларни имтиёзли асосда бўяб бериш ҳамда кўшма экспорт амалиётини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Андижон вилояти Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Андижон вилояти Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 25 ноябрдаги 932/01-01-сон маълумотномаси). Натижада туманлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда махсус дастур асосида иш олиб бориш режаси ишлаб чиқилган;

Евроосиё иқтисодий иттифоқи «Божхона Иттифоқи»нинг (ТРТС.007/2011) ва Ўзбекистоннинг (UzTR 148-008:2016) «Енгил саноат маҳсулотлари хавфсизлиги умумий техник регламент»лари ўртасида муаллиф томонидан «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси аъзоси бўлган «Мах Textile» МЧЖ ва «Tekstil plys» ХКда аниқланган кўрсаткичларидаги тафовутлар бўйича техник регламент(ТР)га кўшимча киритиш таклифи Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан амалиётга жорий этилган. («O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмасининг 2019 йил 20 декабрдаги 04/18-5113-сон маълумотномаси). Натижада Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан техник регламент (ТР)га кўшимча киритиш таклифи берилган;

географик ва инфратузилма жиҳатдан қулай экспорт бозорларига мослашиш ҳамда улар орқали янги бозорларни ўзлаштириш воситасида тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти логистик харажатларини камайтириш бўйича тавсиялар «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси таркибига кирувчи «Nil-Granit» МЧЖ фаолиятига жорий этилган («O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмасининг 2019 йил 20 декабрдаги 04/18-5113-сон маълумотномаси). Натижада жамиятнинг экспорти ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 208,7 %га ошган;

тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳияти кўрсаткичларини баҳолашнинг эксперт усулига кўшимча киритилган ҳолда Андижон вилоятида 2025 йилгача эконометрик прогноз кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилган таклиф «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси таркибига кирувчи «Inwestteks» МЧЖ шаклидаги кўшма корхона фаолиятига жорий этилган

(«O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмасининг 2019 йил 20 декабрдаги 04/18-5113-сон маълумотномаси). Натижада жамиятнинг меҳнат унумдорлиги 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 8 %дан ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 7 та илмий мақола, жумладан, 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 154 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Корхона экспорт фаолиятини назарий-методологик асослари**» деб номланувчи биринчи бобида халқаро савдо (экспорт) назариясининг моҳияти изоҳлаб берилган ва унинг ривожланиш босқичлари ўрганилган, корхона экспорт фаолиятида халқаро маркетингнинг аҳамияти асосланган ҳамда Ўзбекистонда экспортни ривожлантириш учун яратилаётган бизнес муҳити таҳлил қилинган.

Илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлили натижасида муаллиф халқаро савдонинг асосий қисми бўлган экспорт ва импорт жараёнлари узок давом этган тарихий ривожланиш натижаси бўлиб, қабилалар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар эволюциясини ифодалайди ва шу асосда уларни ўрганиш ва илғор тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини яратиб бераётганлигини асослаган. Аммо Ғарб олимлари халқаро савдони XVI асрдан жаҳонда sanoat ишлаб чиқариши ривожланиши билан боғлиқ жараён деган фикрларининг ноаниқлиги муаллиф томонидан таъкидланиб, унга ўзгартириш киритиш лозим деб ҳисобланади. Чунки асл халқаро савдо амалиёти ривожланишига милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмидан то XV асргача Шарқни Ғарб билан боғлаган «Буюк ипак (савдо) йўли»нинг ўрни ва аҳамияти Ғарб олимлари томонидан эътиборга

олинмаган. Буюк археолог олим В.В.Бартольд<sup>10</sup> тадқиқотларидан маълумки, «Буюк ипак йўли» милоддан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмидан то XV асргача Шарқни Ғарб билан боғлаган асосий савдо йўли бўлиб, у Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ҳамда Ўрта денгиз мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотик ва маданий алоқалар ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. «Буюк ипак йўли» узоқ бўлганлиги ва сермашаққатлиги сабабли, Хитой Ғарб давлатлари билан бевосита алоқа олиб бориши мумкин бўлмаган. Шунинг учун ҳам «Буюк ипак йўли» орқали олиб борилган савдо алоқаларида осийликлар, айниқса, суғдлар (пойтахти Афросиёб – Самарқанд), бактриялик ва эронликлар асосий воситачилик вазифасини бажарганлар.

XX аср ўрталаридан бошланган халқаро савдодаги глобал ўзгаришлар, ривожланган мамлакатлар томонидан иқтисодиёти паст даражада бўлган ҳудудларга капитал киритишининг тезкор ривожланиши ва уларнинг бозорларини эгаллаб олиш сиёсатлари, халқаро иқтисодий интеграция ҳамда халқаро савдо кучайишига олиб келди. Ана шу шароитда, америкалик профессор Майкл Портер XX аср ўрталаригача яратилган «Халқаро савдо» назариялари эскирганлиги, жаҳон бозорларидаги рақобат кучайиши, асосий ишлаб чиқариш омилларининг таъсири сусаётгани сабабли «Рақобат устунлиги назарияси»га асосланиш керак деган ғояни илгари сурди<sup>11</sup>. Шунинг учун мазкур назарияда «кластерлаштириш» ғояси, яъни – «у миллий ва ҳудудлар иқтисодиётига, жумладан корхона, компания ва бошқа давлатнинг рақобатбардошлигини таъминловчи ташкилотлар фаолиятига янгича қарашни тақозо этади. Унинг асосида кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатга кўпроқ инвестициялар жалб этиш ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи деган назария ётади»<sup>12</sup>.

Диссертацияда халқаро маркетинг корхона экспорт фаолиятини ривожлантириш, унинг жаҳон бозорларига кириб бориши ва самарали фаолият юритиши, рақобат стратегияларини доимо ўзгартириб боришининг илмий-услубий асослари эканлиги батафсил ёритилган. Халқаро маркетинг тушунчаси моҳияти ва мазмуни бўйича олимлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар<sup>13</sup> муаллиф томонидан таҳлил қилиниб, «Халқаро маркетинг – халқаро бизнес фалсафаси мазмунини англариб, жаҳон бозорларида талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш воситалари, чет эл тадбиркорлари билан экспорт ва импорт муносабатларини ўрнатиш, амалга ошириш ва кўзланган фойдага эришишнинг илмий-услубий асосидир»<sup>14</sup> деган таъриф тўғрилигини таъкидлайди.

Муаллиф томонидан таҳлил қилинган илмий адабиётларда «корхона экспорт салоҳияти»га берилган таърифлар, глобал рақобатли жаҳон бозорларидаги бизнес муҳити ва Жаҳон Савдо Ташкилоти талабларидан келиб

<sup>10</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана, Соч.Т.2.Ч.1. – Москва, 1963.

<sup>11</sup> Портер Е. М. «Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран» (пер. с англ.). – М.: изд. «МО», 1993.


<sup>12</sup> Портер Е.М. Конкуренция. Исправленное издание. Изд. дом «Вильямс». – М.: Москва, 2005. 256 стр.

<sup>13</sup> Федотова О.В. ва Табекина О.А., Международный маркетинг. Учебное пособие, НГАСУ, 2012, С.6; Багиев Г.Л. и др. «Маркетинг» учебник. 2-изд. – М.: Экономика, 2001. – С.594.

<sup>14</sup> Солиев А. Маркетинг. – Тошкент:ART-FLEX, 2008, 11-17 бетлар.

чиққан ҳолда комплекс ёндашилмаганлиги сабабли тикув-трикотаж «корхонаси экспорт салоҳияти» деганда муаллиф «танланган жаҳон бозорларидаги ўз сегментлари талаблари ва рақобатга бардош бериш мақсадида малакали мутахассислар ва замонавий технология билан таъминланиб, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ўз брендларини бошқара олиш ҳамда янги хизмат кўрсатиш имкониятлари асосида режадаги кўрсаткичларга эришиш қобилияти»ни тушуниш лозим деб ҳисоблайди.

Муаллиф тадқиқотларидан маълум бўлишича, жаҳон бозорига киришда асосий меъёрий кўрсаткичлар бўлиб: компанияни кўзда тутаётган халқаро бизнеси, бозорларни эгаллаш географияси, бозордаги товар сотилиши ва активларни белгилловчи бозор ҳажми, товарлари табиати (саноат моллари, халқ истеъмол товарлари, қимматли ёки арзон ва ҳ.к.) ва рақобат даражаси ҳисобланади.



1-расм. Жаҳон бозорларида компания (фирма)ларнинг халқаро маркетинг стратегиялари таҳлили<sup>15</sup>

1-расмдаги стратегия гуруҳларининг товарлар, мамлакатлар (минтақалар) ва бозорлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда диссертацияда бир неча хил кўринишининг шакл ва тамойиллари ёритилган.

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг «**Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт салоҳияти таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда тўқимачилик маҳсулотлари экспорт географияси ва иқтисодий самарадорлиги, корхоналарни мутахассислар ва замонавий технологиялар билан таъминланганлик даражаси ҳамда уларда халқаро сифат менежментини жорий этиш жараёнлари таҳлил қилинган.

Диссертацияда 2017-2019 йиллар давомида тўқимачилик саноатининг асосий бўғини бўлган тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини, жумладан экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича Президентимизнинг 13 та фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги, уларда корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш учун яратилаётган бизнес муҳити асослари: миллий валютанинг эркинлаштирилиши, солиқ имтиёзлари, хорижий инвесторлар учун янги кафолатлар, халқаро ярмарка ва кўргазмаларда қатнашишга молиявий ёрдамлар берилиши, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга катта эътибор қаратилиши ва бошқалар таҳлил қилиниб, умуман яхши имкониятлар яратилаётганлиги асосланган.

Ўзбекистоннинг товар ва хизматлар экспортининг яқин ҳамкор давлатлар кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлили 1-жадвал маълумотларида акс эттирилган.

#### 1-жадвал

#### Жаҳон бозорларидаги товар ва хизматлар экспорти кўрсаткичлари таҳлили<sup>16</sup>

Давлатлар	Экспорт (млрд. АҚШ доллар)		Аҳоли жон бошига экспорт (минг АҚШ долл.)		Экспортнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (%)		Экспортнинг импортни қоплаш даражаси (%)	
	2000 й.	2018 й.	2000 й.	2018 й.	2000 й.	2018 й.	2000 й.	2018 й.
Хитой	190,0	2651,0	0,150	1,9	16	20	0,85	0,96
АҚШ	1075,3	2500,8	3,8	7,6	11	12	1,35	1,25
Россия	110,5	507,8	0,754	3,5	7	31	0,53	0,68
Ўзбекистон	3,3	14,0	0,115	0,425	24	29	1,11	0,72
Беларусь	7,1	42,0	0,711	4,4	56	71	1,07	0,98
Қозоғистон	10,2	66,9	0,685	3,6	56	33	0,88	0,67
Украина	18,4	59,1	0,374	1,4	59	45	0,92	1,19
<b>ЖАМИ</b>	<b>7938,4</b>	<b>25025,0</b>	<b>1,3</b>	<b>3,4</b>	<b>24</b>	<b>30</b>	<b>0,81</b>	<b>0,72</b>

1-жадвал маълумотларига кўра, жаҳон халқаро савдоси экспорти 2000-2018 йилларда 3,2 мартага кўпайган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда – 4,2; Хитойда – 14,0; Қозоғистонда – 6,6; Беларусда – 5,9; Россияда – 4,6; Украинада – 3,2 ва АҚШда – 2,3 мартани ташкил этади. Экспорт ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, мамлакатимиз юқоридаги давлатлар орасида энг охирги ўринда бўлиб, жаҳондаги барча мамлакатларнинг ўртача

<sup>16</sup> www.knoema.ru маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

кўрсаткичига нисбатан эса 8 баробарга кам. Мазкур ҳолатга Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлмаганлиги сабабли, Европа ва АҚШ бозорларига кириб бориш бож тўловлари шартнома суммасидан 14-18 фоизни ташкил этаётгани, корхоналаримиз экспорт салоҳияти ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2018 йилда Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таҳлил қилинганда, экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг 44 фоизи МДХ мамлакатлари, 27 фоизи Шарқий Осиё давлатлари, 8 фоизи Яқин Шарқ ва Африка, 7 фоизи Европа Иттифоқи ва қолган 8 фоизи эса бошқа мамлакатлар ҳиссасига тўғри келганлиги аниқланган.

Мустақилликка эришган илк йилларда республикаимиз энгил саноатида фақатгина пахта хомашёси экспорт қилинган бўлса, ҳозирда эса тайёр тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотлари етказиб берувчи экспортчи сифатида жаҳон бозорларига фаол кириб бормоқда (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ўзбекистонда тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти таркиби<sup>17</sup>**

Маҳсулотлар	2000 йил		2018 йил	
	Экспорт млн. АҚШ доллар	Жамига нисбатан, %	Экспорт млн. АҚШ доллар	Жамига нисбатан, %
Пахтадан йигирилган ип	81,8	37,7	726,7	45,6
Тайёр кийимлар	16,1	7,4	585,7	36,8
Трикотаж мато	0,2	0,1	65,5	4,1
Пахтадан газламалар	33,5	15,4	65,6	4,1
Ипак ва ипак маҳсулотлари	34,6	15,9	49,9	3,1
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	51,0	23,5	100,7	6,3
<b>ЖАМИ</b>	<b>217,2</b>	<b>100,0</b>	<b>1594,1</b>	<b>100,0</b>

2-жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти салкам 20 йил ичида ўртача 7,3 мартага ошган бўлса, трикотаж мато экспорти 327,5 мартага, пахта ипи эса 8,9 мартага ошган. Энг муҳими юқори қўшилган қийматга эга тайёр кийимлар 2000 йилда 16,1 млн. АҚШ доллари ҳажмида экспорт қилинган бўлса, 2018 йилда мазкур кўрсаткичлар 585,7 млн. АҚШ долларига етиб, 36,4 мартага ошган ёки жами экспортдаги улуши 36,8 %ни ташкил этган. 2018 йилда Ўзбекистондаги жами тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 63 фоизи Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Бунинг асосий сабаби ушбу вилоятларда аҳолининг зич жойлашганлиги ва меҳнатга лаёқатли ёшларнинг кўплиги, ҳар бир вилоятда тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур калава ип ҳамда бўёқлаш корхоналари жойлашганлиги ва корхоналар томонидан хорижий мамлакатлардан малакали мутахассисларнинг

<sup>17</sup>www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

жалб этилиши ҳисобланади. 2018 йилда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг улуши Наманган вилоятида 47,3 %, Сирдарё вилоятида 45,5 %, Тошкент вилоятида 42,8 %, Андижон вилоятида 37,5 %, Тошкент шаҳрида 35,5 % ва Самарқанд вилоятида 34,5 %ни ташкил этган.

Республикада аҳоли жон бошига тўқимачилик маҳсулотлари экспорти кўрсаткичи (АҚШ доллари) Фарғона вилоятида – 71,9; Андижон вилоятида – 54,9; Сирдарё вилоятида – 37,4; Наманган вилоятида – 36,0; Тошкент шаҳрида – 32,7 ва Жиззах вилоятида – 21,3 ташкил қилган. Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари гуруҳлари бўйича энг кўп миқдорда пальто, плащ ва курткалар экспорти Сирдарё, Тошкент ҳамда Наманган вилоятларига; костюм, пиджак ва шимлар экспорти Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса, газламалар экспортида эса Самарқанд ва Бухоро вилоятларида юқори кўрсаткичларга эришилган.


Диссертацияда Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланаётган йирик 90 та корхона орасидан бенчмаркинг усулини қўллаган ҳолда, кейинги йилларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган 15 та тикув-трикотаж корхонаси экспорт салоҳиятини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш мақсадида танлаб олинди. 2018 йилда мазкур 15 та корхона томонидан 57312,5 минг. АҚШ долларлик экспорт амалиёти бажарилган бўлиб, уларнинг Андижон ва Наманган вилоятларидаги газлама ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортидаги улуши 46 фоизни ташкил этди.

Ана шу эксперимент сифатида танланган корхоналар экспорт фаолияти самарадорлигини ҳозирда маҳсулотларини МДХ ҳамда Европа мамлакатларига экспорт қилаётган «Но`jaobod Fayz-M» ХК мисолидаги эконометрик таҳлили куйидаги натижаларни кўрсатди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### «Но`jaobod Fayz-M» ХК кўрсаткичлари мисолида

Йиллар	Соф фойда (млн. сўм), Y	Жами харажатлар (млн. сўм), X <sub>1</sub>	Олий маълумотга эга ходимлар (киши), X <sub>2</sub>	Ялпи тушум (млн. сўм), X <sub>3</sub>	Асосий капиталга инвестиция (млн. сўм), X <sub>4</sub>
2009	232,7	8953,8	7	6960,9	705,6
2010	253,8	9531,4	8	7030,8	831,4
2011	274,5	9618,8	11	7164,7	854,6
2012	316,4	9672,5	10	7398,6	864,7
2013	326,4	9734,7	14	8532,5	872,3
2014	391,7	9960,4	14	9666,4	881,4
2015	552,9	10010,1	15	10563	892,4
2016	652,5	11813,3	17	12465,8	10001
2017	829,8	23815,9	18	24931,9	10237,8
2018	973,0	47450,9	20	53461,0	2405,0



### t-Statistic Маре ва ТІС мезонлари бўйича барча параметрлар аҳамиятли

Method: Least Squares

Date: 02/27/20 Time: 21:17

Sample: 2009 2018

Includ Все порядке.ed observations: 10

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
X2	-0.043626	0.032303	-1.350525	0.0047
X3	3.45829	3.73588	0.976348	0.0537
X3	0.047979	0.028764	1.668036	0.0062
X4	0.040301	0.006459	6.239511	0.0256
C	31.7931	20.0453	1.58209	0.0097
R-squared	0.974754	Mean dependent var		480.3700
Adjusted R-squared	0.954558	S.D. dependent var		261.0209
S.E. of regression	55.64246	Akaike info criterion		11.18262
Sum squared resid	15480.41	Schwarz criterion		11.33392
Log likelihood	-50.91311	Hannan-Quinn criter.		11.01666
F-statistic	48.26314	Durbin-Watson stat		2.133264
Prob(F-statistic)	0.000348			

3-жадвал маълумотлари асосида «Но`jaobod Fayz-M» ХК кўрсаткичлари мисолида корхонанинг экспорт фаолияти рентабеллиги Eviews дастуридан фойдаланиб, кўп ўлчовли математик модели ҳосил қилинди:


$$Y_{\text{соф фойда}} = -0,04 * X1 + 3,5 * X2 + 0,05 * X3 + 0,04 * X4 + 31,8 \quad (1)$$

Диссертацияда тармоқда юқори экспорт кўрсаткичларига эришган «O`zto`qimachilik sanoat» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар бўйича таҳлил ҳам юқоридаги усул билан амалга оширилган (4-жадвал).

**Андижон вилоятидаги тикув-трикотаж корхоналарининг 2018 йилдаги экспорт фаолияти рентабеллигининг эконометрик таҳлили<sup>18</sup>**

Корхоналар номи	Уларнинг регрессия тенгламаси ва адекватлиги			
	R-квадрат	F	MAPE	TIC
«Nil-Granit» МЧЖ	0,999959	242,18	7,9019	0,0029
	$Y=314,6+0,007*X_1+16,3*X_2-0,4*X_3+0,4*X_4$			
«Krav Teks» МЧЖ	0,999967	298,82	0,6877	0,0021
	$Y=-0,14*X_1+36,7*X_2+0,0007*X_3+0,5*X_4-463,8$			
«Namuna» МЧЖ	0,933151	13,96	7,1371	0,0394
	$Y=-0,5*X_1+221,6*X_2+0,5*X_3-208,8*X_4-1974,9$			
«Kezar Teks» МЧЖ	0,999120	113,59	6,5122	0,0147
	$Y=3216,7-0,6*X_1+221,4*X_2+0,8*X_3-8,4*X_4$			
«Inwestteks» МЧЖ ҚК	0,999810	104,25	0,9150	0,0041
	$Y=1,64-0,04*X_1+0,4*X_2+0,05*X_3+0,0009*X_4$			
«Al-Xakim» ХК	0,999024	1023,93	0,8953	0,0044
	$Y=0,18*X_1+33,9*X_2+0,34*X_3-13,6*X_4-101,7$			
«Ho`jaobod Fazo» МЧЖ	0,997596	415,01	1,1063	0,0058
	$Y=14,1+0,006*X_1-0,4*X_2+0,007*X_3-0,03*X_4$			

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда, Андижон вилоятида тикув-трикотаж маҳсулотларининг 512 товар коди бўйича экспорти бозори улуши, самарадорлиги ва стратегик таҳлили «Boston Consulting Group» (BCG) усули асосида амалга оширилди. Аммо олинган натижаларда тикув-трикотаж маҳсулотлари бозорига мавсумлар таъсирини акс эттириш учун 2018 йил давомида ҳар ойлик экспорт ҳажмининг статистик маълумотлари таҳлил қилинди ва қуйидагилар аниқланди (2-расм).



**2-расм. 2018 йилда Андижон вилоятининг МДХ мамлакатларига тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти ҳажми ўзгариши<sup>19</sup>**


<sup>18</sup> Корхоналар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>19</sup> Манба: Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-расмда тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти ҳажми май ойидан август ойигача пасайиши кузатилган. Бунинг сабаби, ёз ойларида нисбатан арзон нархдаги маҳсулотлар экспорт қилинганлигидир.

«Boston Consulting Group» (BCG) таҳлили натижаларига кўра (3-расм) биринчидан, Андижон вилояти экспортчилари учун Россия бозори энг қулай ва самарали эканлиги, аммо бу мамлакатга экспорт қилишда мавсумий омиллар таъсири кучли эканлигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ва экспорт режаларига ўзгартириш киритиш талаб этилмоқда. Иккинчидан, ички бозор ва бошқа географик ҳудудлардаги экспорт бозорларини танлашда мавсумий таъсирларни ҳисобга олиб, янги бизнес режалар ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Мазкур таҳлил натижасига асосан, Россия давлати экспорт бозорининг 46,8 фоизини ташкил этиши билан бирга йил охирига келиб, 73,2 фоизга ошган. Худди шу каби Қирғизистонда ҳам мазкур кўрсаткичлар мос равишда 39,1 ва 31,2 фоиз, аммо Украинада мос равишда 1,5 фоиз, - 0,7 фоиз, Қозоғистонда 10,8 фоиз, - 4,5 фоизни ташкил этган.



3-расм. Андижон вилоятининг тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт бозорининг BCG таҳлили <sup>20</sup>

<sup>20</sup> Манба: Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

BCG таҳлил натижаларига кўра, Андижон вилояти корхоналари учун мақсадли бозор ҳисобланган Россия ҳамда Беларусь мамлакатларида етакчиликни сақлаб қолиши учун асосий масала экспорт амалиётида мавсумий хусусиятларга алоҳида эътибор қаратишдир.

